



2019 йил 19 июл

Шофиркон тумани

№ 5476

**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли  
автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий  
техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ туманда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман Ички ишлар бўлими (А.Эльбеков) белгиланган тартибда ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техникдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин :

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирадиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари) одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта ;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта ;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта ;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси –шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилмайди, мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари.

**3.** Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги :

биринчи марта – 1 март 30 июнгача ;

иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

**4.** Транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Мототранспорт, тиркамалар, яримтиркамалар техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг йиғирмадан бири миқдорида йиғим ундирилади.

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситаларидан такрорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йиғим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

**5.** Техник кўриқни ўтказиш жадвали 1-иловага ;

Техник кўриқни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**6.** Техник кўриқни ўтказиш бўйича комиссия раиси (А.Артиқов) га :

юридик шахсга техник кўриқдан ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юбориш ;

техник кўриқни ташкилотларда, диагностика станцияларида иш вақтида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларининг бирида ўтказиш ;

техник кўриқдан ўтказишда техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур қарор “Шофиркон овози” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.в.б:



У.Ғаффоров

Туман ҳокимининг 2019 йил  
“19”-июлдаги 5476-сонли  
қарорига 1-илова

**Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

|           |  |
|-----------|--|
| А.Артиқов | Шофиркон туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори,<br>комиссия раиси<br><b>Аъзолари</b> |
| Х.Усмонов | Тумандаги “Ватанпарвар” ўқув спорт техника<br>клуби бошлиғи                    |
| Х.Каримов | Туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи  |
| С.Мирзаев | Ғиждувон туман “Бумеранг автотехсервис”<br>МЧЖ раҳбари                         |